

Наврўзи олам муборак бўлсин!

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№5
(1491)
2024-YIL
14-MART

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqnisaqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN



НАВРЎЗ МУБОРАК!

Миллийликдан дарак, беради асли,
Бетакрор, беғубор навбахор фасли,
Безанган, ясанган, келинчак мисли,
ЯНГИ КУН уйғониш Наврўз муборак!

Кўклам гўзаллигин куйлайди хофиз,
Гул-лолалар алвон очилди нафис,
Хидларин таратди маст қилиб ялпиз,
ЯНГИ КУН уйғониш НАВРЎЗ муборак!

Кўкломой соғиндим сумалагингни,
Етти хил товланган камалагингни,
Қизлар сочидаги жамалагингни,
ЯНГИ КУН уйғониш НАВРЎЗ муборак!


Наврўз барчамизга муборак бўлсин,
Қалбимиз меҳрга лиммо-лим тўлсин,
Ўзбегим байрами муборак бўлсин,
ЯНГИ КУН уйғониш НАВРЎЗ муборак!

Мархабо КАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

ТИББИЁТГА БАХШИДА УМР: ОЛТИН САҲИФАЛАРГА ЁЗИЛГАН ЛАҲЗАЛАР

Академик Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев 2024 йилнинг
20 март куни 90 ёшни қарши оладилар



“Инсон умри абадий эмас! Лекин у абадийликка интилади”, деган эди немис олими Рикхтер. Ҳақиқатда шундай, наботот дунёсининг ҳукмдори бўлмиш, биз инсонлар ҳам гарчи ўзимиздан тоғжу-тахт ва туганмас бойлик қолдира олмасакда, лекин, яхши ном келгуси авлод қалбида яхши калом қолдиришига ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда бир савол туғилди: инсон умри нима билан гўзал ва безаклидир? У ўзининг жамики нодир ишлардан тортиб, яратган сиймосигача гўзалликка бурканган бўлади. Ваҳоланки, вақт олий ҳакам экан, умр эса унинг сарҳисобчиси. Умрнинг ҳар бир они ғанимат ва бебаҳодир. Бинобарин, биз учун ғанимат бўлган инсонлар дунёси ниҳоятда бой, боғу-роғлару гул кўчатларга лиммо-лим мовий салтанат кўзгусига айланиб келган. Ана шундай силсилавор умр халқимиз орасида “Умр мазмуни” деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли қаламлар, сирли рақамлар, олис-олисдан сўйлагандай бўлиб кўринаверади. Зеро,

ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, эзгу фазилятлар билан яшашига нима етсин!

Зеро, биз бугун юқоридаги фикрлар ила эътироф этмоқчи бўлган инсонимиз дунё тиббиёт илмида катта мактаб яратган олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, шунингдек, Европа Респиратор жамияти фахрий аъзоси (Париж), Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси (Париж), Нью-Йорк фанлар академияси академиги, “Интер-астма Россия – МДХ жамияти” бошқарув аъзоси (Москва ш), Россия Фанлар академияси доктори (Москва ш),

Дил сўзлари

Менинг ёнимда бўлганлар, ёрдам берган, ўргатган, ютуқларимни мен билан баҳам кўриб, муваффақиятсизликларимда ҳамдард бўлган барча инсонларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Булар – менинг энг сеvimли ота-онам, унутилмас мактабим ўқитувчилари, менинг етукли ва инсон бўлишимга ҳисса қўйган олимлар ва педагоглар, табобатчилар, дўстларим ва албатта оилам: ота-онам, рафиқам, фарзандларим, набираларим. Мен ўзимнинг катта оиламда шифокорлар сулоласининг бошловчиси бўлганимдан чексиз қувончдаман. Кенжа ўғлим Саъдулла Убайдуллаев – тиббиёт фанлари доктори, иммунолог, унинг рафиқаси Камола Убайдуллаева – тиббиёт фанлари доктори, пульмонолог, набирам Шахрулло Абдуллаев Америка Қўшма Штатларида Лос Анжелосда 2 йил давомида таҳсил олди ва “Delfield group holdings” корхонасини ташкил қилди. Набирам Ҳилола Абдуллаева – Тошкент педиатрия тиббиёт институтини аъло баҳолар билан битирди ва ҳозирги кунда Вена шаҳридаги тиббиёт университетларининг бирида психотерапия факультети охириги курс талабаси. Бу – мен учун катта бахт!

Ўзбекистон пульмонологлар жамияти раиси (Тошкент ш), Марказий Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Вице – Президенти (Тошкент ш), Евро Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Элект –

Президенти Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев 2024 йилнинг 20 март куни 90 ёшни қарши оладилар.

Давоми 4 ва 5 – бетларда ▶

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Хар бир соҳани ривожланишида унинг тарихини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Биз фахр билан айта оламизки илм-фанни ривожланишида бизнинг аجدодларимизнинг ўрни, меҳнати, илми чексиз. Бизга маълумки биринчи Ренесанс юртимизда IX-XI асрларда рўй берган. Бу даврда астрономия, геодезия, математика, тиббиёт, кимёга қизиқиш ортиб, ҳаёт ҳақидаги назарияларга асос солинди. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад-ал Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Абу Бакр Розий каби буюк боболаримиз бу фанларда янгиликлар кашф этиб, дунё олимлари учун устозлик мақомига эришдилар.

Шу фанлар қаторида фармацевтика соҳасини ривожланишига ҳам бизнинг аجدодларимиз салмоқли ҳисса қўшишди. Жумладан, Абу Райхон Беруний фармакогнозия илмига асос солувчилардан бири ҳисобланади. Абу Райхон Берунийнинг “Ас-Сайдана фи-т-тибб” (Табобатда доришунослик китоби) нинг яратилиши доришунослик илмининг (фармакогнозия) тарихида алоҳида ўрин тутди. Ибн Синонинг “Тиб қонунари” асари, Абу Бакр Розийнинг “Ат-Тиб ал-Мулукий” асарлари доришунослик фанини пойдевори бўлди. Аста секин доришунослик фани негизида фармация, фармацевтика, фармакогнозия каби терминлар пайдо бўлди. Фармациянинг тарихига қарайдиган бўлсак, фармацевтика корхоналарининг аждодларини ўрта асрлардаги дори воситаларини ишлаб чиқарган дориҳоналар деб ҳисоблаш мумкин. Тўлиқ sanoat XIX асрнинг охирига келиб пайдо бўлди. Дори-дармонларни ишлаб чиқариш Швейцарияда пайдо бўлган. Швейцарияда биринчи фармацевтик ишлаб чиқариш - бўёқ заводларида пайдо бўлган (масалан, Roche ва Novartis). Германияда фармсаноат кимёвий заводларнинг чиқиндиларига асосланган ҳолда бироз кейинроқ пайдо бўлди. Аспиринни биринчи бўлиб, Германиянинг Bayer компанияси ишлаб чиқарган. Швейцария ва Германия узок вақтдан бери соҳада сўзсиз етакчи бўлиб қолмоқда. АҚШда XIX аср ўрталарида фармацевтикага ихтисослашган бир қанча компаниялар ташкил этилди. Ўша пайтда АҚШ фармацевтикаси табиатан инновацион эмас эди, лекин (Европаниқидан фарқли ўларок) анча ибтидоий эди. Осиёда, Япония ва Сингапурдан ташқари фармацевтика

саноатининг шаклланиши анча кечроқ – умуман олганда, XX асрнинг охирида содир бўлган. Бунгача минтақада анъанавий тиббиёт устунлик қилган ва Фарб компаниялари учун бозор бўлиб хизмат қилган. XX асрнинг биринчи ярмидан жаҳон фармацевтика саноатининг глобаллашуви бошланди. Америка компаниялари Европага келди ва Европа (биринчи навбатда немис) дори воситалари АҚШда сотила бошлади. Шу билан бирга, АҚШда саноатни давлат томонидан тартибга солиш пайдо бўлди (озик-овқат ва дори-дармон агентлиги 1906 йилда ташкил этилган). Икки жаҳон уруши орасидаги давр Америка компанияларига сезиларли ўсишга эришишга имкон берди, бу нафақат ички бозорни ривожлантирди, балки хорижий (Канада ва Европа) бозорни ҳам забт этди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишига келиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган биринчи илмий марказлар пайдо бўлди, фармацевтика кимё саноатидан ажралиб чиқди. Фармацевтика саноати технологик жиҳатдан энг илғор ва инновацион соҳалардан бири бўлиб, у доимий равишда ходимларнинг малакасини оширишни талаб қилиб келган. Шу билан бирга, у бошқа тармоқларга қараганда барқарор ўсиб бормоқда. Тарихий жиҳатдан инсоният учун жаҳон урушлари, пандемиялар, эпидемиялар сонининг кўпайиши фармакологик инновациялар ривожланишининг янги босқичига ўтишини келтириб чиқарди. Узокқа бормаймиз, 2020-йилда бошланган пандемия бутун дунё тиббиёти ва фармацевтикаси учун синовли, масъулиятли, шу билан бирга бу соҳаларда ҳали қилиниши керак бўлган жуда кўп ишлар борлигини кўрсатди. Тарихдан маълумки, ҳар бир қийинчилик - шу соҳани ривожлани-

ши учун туртки бўлган.

Шундай буюк тарихга эга, биринчи ва иккинчи Ренесанс асоси бўлган, аждодлари дунё илмини ривожлантирган юртимизда бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илм-фанни ривожлантириш учун кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, барча шарт шaroитлар яратилмоқда. Президентимизнинг “Биз учинчи ренесанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз” деган сўзлари юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган улуғ мақсадларни ифода этади. Барча соҳаларда бўлгани каби юртимизда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Бу борада бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш ҳамда касалликларнинг олдини олиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, халқ саломатлиги, миллат генотипи мустаҳкамлиги шу давлатнинг катта бойлиги саналади. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар ана шундай тамойил ва юксак мақсадга қаратилган. Фармацевтика соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш учун, улар халқаро даражада эътироф этилган стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши, сақланиши, лаборатория экспертизасидан ва клиник текширувлардан ўтиши керак. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида фармацевтика маҳсулотларининг ушбу талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида XX аср бошида GxP концепцияси жорий этилган. GxP ўзи нима? GxP – бу фармацевтика саноатининг турли йўналишларидаги “зарур амалиётлар”, шу жумладан зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP), зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP), зарур лаборатория амалиёти (GLP), зарур клиника амалиёти (GCP), зарур фармозорат амалиёти (GVP), зарур фармацевтика (дориҳона) амалиёти (GPP)ни ўз ичи-



га олган яхлит стандартлар тизими. 2019 йилдан бошлаб мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ушбу стандартларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича амалий ишлар бошланиб, бу борада қатор мезърий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фармацевтика тармоғида илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини ошириш мақсадида президентимиз томонидан сўнгги йилларда бу соҳага катта кўмак ва маблағ берилди, фармацевтика зоналари ташкил этилди. Ҳозирда тиббиёт ва фармация соҳаларида юртимизда олиб борилаётган ишларни кескин ривожланишида муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир вазиятда оқилона фикр юритишлари, яратаётган шарт шaroитлари таҳсинга сазовор. 2024 йил 23 январдаги “Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. 2024 йил 31 январдаги эса Президент Шавкат Мирзиёев фармацевтика соҳасини тартибга солиш, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча тошшириқлар берди. 2024 йил 5 февралдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда дав-

латимиз раҳбари “бу соҳаларда қанча фармонлар, қарорлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлсада лекин, таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда камчиликлар йўқ эмас” деб таъкидлади. Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди. 2024 йилда тиббиётда мутахассисларни ишга олишда рақамлаштириш ва шаффофликни ошириб соҳадаги барча вакансиялар онлайн платформага жойлаштирилади. Ҳар бир она ва бола ўлими фавқулодда ҳолат деб баҳоланиши, бу соҳада хориждан мутахассислар олиб келиниб тиббиёт ходимлари ўқитилади, йил охиригача тиббиёт бригадаларидаги 8 500 дояни илғор тажриба асосида репродуктив саломатлик бўйича янгидан ўқитилади. Аҳолини хавф гуруҳига кирувчи қон-томир, онкология ва эндокрин касалликларини эрта аниқлаш бўйича скрининг текширишларини ўтказиш такомиллаштирилади. Янги ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳлари битирувчи курс талабалари учун кўп тармоқли шифохоналарда иш ҳақи тўланадиган интернатура йўлга қўйилади. “Электрон поликлиника”, “электрон шифохона”, “электрон тиббий карта” тизилари ишга туширилади. Онкология бўйича ҳар бир эрта аниқланган ҳолат учун тиббиёт бригадаларига мукофот бериш жорий қилинади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 2024 йил учун мўлжалланган соҳадаги режалар фақат ва фақат халқимиз соғлиги, юрт фаровонлиги, фарзандларимиз

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

келажги учун қилинаётган улкан вазифа ҳисобланади.

Тиббиётни, фармацевтика соҳаларини ривожлантириш учун президентимиз олиб бораётган ислохотларни кўриб ўзини шу юртни фарзанди деб ҳисоблаган, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро хулоса қилиши керак. Хўш савол туғилади: нега тиббиёт, фармацевтика тармоғини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича қанча қанчадан қарорлар, чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, уларни амалда бажарилиши юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда? Менинг назаримда, биринчидан давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатда инсон омили, унинг саломатлиги – энг устувор вазифа қилиб олинганлиги, иккинчидан давлатимиз кудрати ва келажги миллат генофонига боғлиқлиги асосий ўрин тутаяди.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг фармацевтика бозори МДХда биринчи бешталикка кирувчи йирик бозор ҳисобланади. Ўсиш динамикаси бўйича МДХ минтақасида энг тез ривожланаётган бозорлар қаторига қиради. Ўзбекистон фармацевтика бозорининг катта қисми импорт маҳсулотлари томонидан қондирилмоқда. Шу сабабли импорт ўрнини босиш муаммоси шу қадар кескин ва муҳимки, сўнгги йилларда мамлакатнинг дори хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳам, жаҳон фармацевтика бозорида маҳаллий компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳам қабул қилинган 50 га яқин норматив ҳужжатлар бу ҳаракатларнинг исботидир. Президентимиз томонидан олиб борилаётган бу чора тадбирлар эса импорт ўрнини қоплаш, экспортни ривожлантириш, фармацевтика бозорида нарх-наво мутаносиблигини таъминлаш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш омили бўлаётир. Қисқа муддат ичида (2017-2021 йил-

лар) фармацевтика соҳасида ислохотларни олиб боришга қаратилган 50 га яқин ҳужжат қабул қилинди. Натижада, мамлакатимиз фармацевтика тармоғига сармоялар кўлами ошиб боришига ҳуқуқий замин яратилди. Ҳозирги кунда маҳаллий дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича узоқ муддатли стратегия мавжуд бўлиб, давлат энг зарур дори препаратлари, инфузион эритмалар, вакциналар, қон препаратлари, бир марта ишлатиладиган қон қуйиш тизимлари ва қон ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ички эҳтиёжни таъминлаш сиёсатини амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартлари татбиқ этилмоқда. Дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар 5 йил давомида барча солиқларни тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Янги ишлаб чиқариш кучларини ташкил этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираётган компаниялар технологик асбоб-ускуналарни олиб киришда барча божхона тўловларини тўлашдан озод қилинди.

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт ва фармацевтика илм-фанини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновацияларни жаҳон даражасига ривожлантириш, уларни глобал илмий майдонига интеграция қилиниши таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Илмий лаборатори-

ялар яратилмоқда, ёшларга чет эл компанияларининг, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятини ўрганишлари учун зарур бўлган барча шароитлар давлат томонидан берилмоқда. Ёшлардан фақат бир нарса талаб этилади: берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш, чет эл тажрибаларини ўрганиш, бунинг учун авваламбор чет тилларини ўрганиш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасини ривожланиши учун муҳим бўлган фундаментал фанлар кимё, биология, биологик кимё фанларини чуқур ўрганиш. Юртимизда дори-дармонларнинг беморга ноҳўя таъсирини олдини олиш, полипрагмазияни тўхтатиш бўйича ҳам анча самарали ишлар йўлга қўйилди. Президентимиз дори-дармонларнинг ноҳўя таъсирларини камайтириш, полипрагмазияни олдини олишга ҳам алоҳида эътиборни қаратди. Полипрагмазия умумий термин бўлиб - яъни бир вақтнинг ўзида кўплаб дори-дармонлар қўлланилиши деб тушунилади. Бунга қарши кураш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тиббиётнинг келажги – профилактикадир. Касалликларни даволашдан кўра, уларнинг олдини олиш гоят муҳим. Бу топириқларни бажарилишини амалга оширишда нафақат соҳа вакиллари, балки ўзини шу Ватан фарзанди деб билган, Ватан равнақи учун бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши керак. Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича Самарқанд вилоятида ҳам бир қанча ишлар амалга ошириляпти. 2023 йил 20 декабрда Самарқанд вилояти ҳокимининг бўйруғи билан “Фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича кенгаш” тузилди. Кенгаш таркибига вилоят ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, фармация факультети декани, кафедра мудирлари, тиббиёт бирлашмаларининг бошликлар-

ри киритилган. Бу кенгаш Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларидаги камчиликларни ўрганади. Бу камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб боради. Кенгаш ҳар ой Самарқанд вилояти жамоатчилигига ҳисобот беради. Кенгашда нима ишлар қилинган ҳамда масъул шахсларга қилиниши керак бўлган ишлар режаси аниқ ва равшан қилиб белгилаб берилади. Ҳозирда Самарқанд давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари вилоятдаги барча туманларида ва Самарқанд шаҳрида жойлашган тиббиёт бирлашмаларида, дорихоналарда чиқарилган қарорларни ижроси бўйича тушунтириш ва назорат ишларини олиб боришмоқда. Бугунги кунда шифокорлар учун Самарқанд давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари томонидан даволаш стандартлари, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ва ўз вақтида ташхис қўйиш, рецепт бланкаларини тўғри ёзиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли ўқув курслари ташкил этиляпти. Бу ўқув-курсларда шифокорлар учун беморларни даволашда полипрагмазияга йўл қўймаслик, соғлиқни сақлаш вазир-

лиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартларидан чиқмаслик, бир хил таъсир этувчи дориларни ёзмаслик, бир касалликни даволаш орқали бошқа касалликни келтириб чиқаришга йўл қўймаслик каби мавзуларда дарслар ўтиляпти. Шунингдек, халқимизни тиббий маданиятини ошириш учун ўз соғлигига ва шифокор ёзиб бераётган рецептларга бефарқ бўлмаслиги бўйича ҳам аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Университетда ёшларимизга билим бериш билан бирга, ватанпарварлик руҳини, Ватанни севиш, юрт келажигига, халқимиз саломатлигига бефарқ бўлмаслик тушунчалари синдирилмоқда. Халқимизни ибратли, доно гапи бор: “Кисмининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачинаиб, ўқиниб яшашидан билинади”. Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги она Ватанини тараққий топиб, ҳар томонлама мустақкам ва кудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга имкон даражада ҳисса қўшиши билан ўлчанади.

Хулоса қилишимиз керакки тиббиёт ва фармацевтика соҳаларига берилаётган бу имкониятларнинг барчаси, олиб борилаётган ислохотлар – инсон қадри учун, унинг тинч юртда фаровон, соғлом яшаши учун қилинаётган ишлар ҳисобланади. Шу соҳа мутахассислари берилаётган имкониятлардан унумли фойланишлари зарур. Айниқса, ёшлар, шу йўналишда таълим олаётган талабаларимиз ўз олдиларига улкан вазифаларни қўйишлари лозим. Зеро, маҳаллий дори-дармонларни ишлаб чиқариш ва халқимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш – билимли, юқори малакали кадрларни талаб қилади. Юқори малакали кадрлар – юртимиз келажиги. Биз эса юртимиз келажиги, халқимиз саломатлиги учун масъулмиз.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

ДИЛ ИЗҲОРИ

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРЧИЛИГИМИНИ БИЛДИРАМАН

Кунни кеча Қашқадарё вилояти Китоб тумани Қашқадарё маҳалласи Аёқчи қишлоғидан онажоним Меҳринисо Каримова тез ёрдамга мурожаат қилган. "Тез ёрдам" шифокорлари зудлик билан бориб ёрдам кўрсатиб, онажоним ҳаётини сақлаб қолишибди...

Замонавий тез ёрдам машинасида барча шароитлар борлигидан хурсандмиз. Аллоҳнинг марҳамати ила тезда

кислород улаб ёрдам беришибди... Бундан беш йил олдин ҳам инфаркт ўтказганда "Тез ёрдам" ходимлари ҳаётини сақлаб қолишган эди. Ҳозирда Китоб тиббиёт бирлашмаси шифокорлари жуда яхши қарашаётган экан. Онажоним сизлардан хурсанд. Мен сизлардан бир умр миннатдорман.

Сизларга, яъни тез ёрдам ходимларига, Китоб туманида оқшом бўлсада меҳр билан ёрдам кўрсатган барча шифокорларга катта раҳмат. Доимо соғ саломат бўлинглар. Ўзим Тошкентда шифохонада эдим. Эшитиб дунё кўзимга қоронғу бўлди. Яхшиям бахтимизга сизлар борсизлар. Онажоним менинг ҳаётим. Менга ҳаётимни қайтариб бер-

дингизлар. Бошим ерга теккунча таъзимдаман.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш фидойиларига, Китоб тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Арзимурод ака ҳамда шифокорларга, тез ёрдам ходимларига ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Мархабо КАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

ТИББИЁТГА БАХШИДА УМР: ОЛТИН



Конгресс иштирокчилари: профессор Н. Бримқулов (Қирғизистон), Арвид Ниберг (Финландия), академик А. Убайдуллаев, Э. Пятаева (Ўзбекистон), академик А. Чучалин, И. Демко (Россия), Ян Линдгрэн (Финландия)

«Давоми. Боши 1 – бетда

Абдулла Убайдуллаев узок йиллар Марказий Осиёда машхур интернист олим, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти директори, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази пульмонология ва клиник алергология кафедраси мудир, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонологи бўлиб фаолият олиб борганлар. Академик Абдулла Муҳаррамович 1934 йилнинг 20 март куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топганлар. Оила 5 фарзанддан иборат бўлиб, Абдулла Убайдуллаев онада тўртинчи фарзанд эдилар. Айтиш муҳимки, устознинг «Наврўз» байрами арафасида дунёга келганликларининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Мақоламиз қахрамони ёш бўлган пайтида қайси ишга қўл урмасинлар, қандай фаолият бошламасинлар ўзига хос янгиликлар бўлар эди. Абдулла Убайдуллаевни болалигида ноқ, адалари Муҳаррам ота



Семинарда собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Пульмонология илмий текшириш институти директори, профессор Н. Путов (Россия), профессорлар С. Бахрамов ва А. Убайдуллаевлар.

камчилигини кўрсатувчи инсон эдилар. Устознинг оналари Башорат опа уй бекаси бўлганлар. Уларни маҳалла аёллари ўртасида катта обрўлари бўлган. Фарзандлари тарбиясига жиддий аҳамият берган она дилбандларига ўзидан катталарининг хурматини кичикларнинг иззатини ўрнига қўйиш, айниқса, отага бўлган хурмат борасидаги маслаҳат ва ўгитларини айтиб келар эдилар. Ота-оналарининг берган тарбияси устозларнинг таълими сабоқлари ҳамда ўзларининг тиббиёт илмига бўлган иштиёки Абдулла Муҳаррамовични академик даражасига олиб чиқ-

юритдилар. 1965 йилда номзодлик диссертациясини, 1974 йилда Москвада докторлик диссертациясини ёқладилар. 1978 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида пульмонология кафедрасини биринчилардан бўлиб ташкил этганлар. Устоз 1986 йилда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (собиқ Сил касалликлари илмий текшириш институтига) директор этиб тайинландилар. Абдулла



Шифокор бўлишимга асосий сабаби бўлган сеvimли инсонларим, меҳнаткаш ота-онам Муҳаррам Убайдуллаев ва мунис она-онам Башорат Ҳакимовалар олдида қиёматгача ўзимни қарздор деб ҳисоблайман, - дейди академик Абдулла Убайдуллаев.

шлар таъсири устида кўплаб ишларни олиб бордилар. 2014 йилдан устоз тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида пульмонология ва клиник алергология кафедрасида профессор лавозимида фаолият юрита бошладилар. Устоз республикамизда бронх-ўпка касалликларини аниқлаш, ирсиятнинг таъсири, даволаш, унинг келиб чиқишида экологик ўзгаришлар таъсирини ўргандилар. Бу вақт орасида республикамизда 6 мингдан ортиқ пульмонологлар ва уму-

устознинг 700 дан ортиқ илмий мақолалари, улардан 100 дан ортиги чет мамлакатларда, 20 та монография, 5 та ихтиро, 30 дан ортиқ врачлар учун услубий қўлланмалар chop этилган. 1978 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти таркибида Пульмонология ва клиник алергология кафедраси ва Республика пульмонология хизмати ташкил этилди. Абдулла Убайдуллаев ихтисоси ва илмий-амалий қизиқишлари жиҳатидан 40 дан ортиқ халқаро конгресс, конференция ва съездларда минтакавий ташкилотлар билан ҳам алоқаларни мустақамлашга интилувчи Европа (Бухарест, Будапешт, Лондон, Париж, Барселона, Берлин, Инсбург, Ницца, Брюссель, Вена, Женева, Глазго ва бошқалар), Осиё мамлакатларидаги (Дехли, Бомбей, Истамбул, Анталия), АҚШ (Нью-Йорк, Вашингтон, Чикаго), Россия (Москва, Санкт-Петербург, деярли ҳамма собиқ Иттифоқ республикалари пойтахтларида) ва бошқа мамлакатлардаги йирик анжуманларда қатнашган кезларида Ўзбекистондаги фтизиатрия ва пульмонология илмининг қўлга киритган ютуқларини



Профессор П. Садуль ва профессор А. Убайдуллаев (Париж, 1984 йил)



1978 йилнинг январь ойида ташкил этилган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти пульмонология кафедраси ходимлари: Тиббиёт фанлари доктори, кафедра мудир А. Убайдуллаев, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Д. Махмудова, тиббиёт фанлари номзоди, ассистент Ш. Носиров, тиббиёт фанлари номзоди, ассистент Д. Мирёқубова, тиббиёт фанлари номзоди, ассистент М. Якимова.

меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш, бунинг баробарида қатъиятли бўлишни ўргатганлар. Муҳаррам ота 40 йил давомида Тошкентнинг “Эски жўва” даҳасида жойлашган биринчи босмахонада мусахххлик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаганлар. Муҳаррам ота маҳаллада тўғри сўз, ўта ҳалол, заҳматкаш, сергайрат, кези келса ҳеч кимни аямасдан

ди. 1958 йилда Тошкент давлат институтини тамомлаган устоз 1956-1958 йилларда Тошкент 1-шаҳар клиник шифохонасида фельдшер, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти терапия кафедрасида 1958-1960 йилларда ординатор, 1961-1963 йилларда аспирант, 1964-1967 йилларда ассистент, 1967-1968 йилларда доцент лавозимларда фаолият

Муҳаррамовичнинг таклифига бионаон мазкур институт 1989 йилдан бошлаб, академик Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти деб аталди.

Академик Абдулла Убайдуллаев республикамизда бронх-ўпка касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ирсиятнинг таъсири, даволаш унинг келиб чиқишида экологик ўзгари-



Профессор Ш. Хўжайев ва академик А. Убайдуллаев

мий амалиёт врачларини малакасини оширишда фаол қатнашиб келмоқдалар. Уларнинг раҳбарлигида 25 нафар тиббиёт фанлари докторлари ва 39 нафар фан номзодлари етишиб чикди. Ўзбекистонда ибратли бўлган пульмонологлар мактабини яратдилар. Шунингдек,

изчиллик билан ёритган ҳолда маърузалар қилганлар. Аҳамиятлиси шундаки, таниқли олим Абдулла Убайдуллаевнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг етакчи пульмонологлари иштирокида жуда кўп марта илмий-амалий анжуманлар,

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

САҲИФАЛАРГА ЁЗИЛГАН ЛАҲЗАЛАР

съезд ва симпозиумлар ташкил этилди. Академик Абдулла Мухаррамович раҳбарлигида 2008 йилнинг 5-8 май кунлари Тошкент шаҳрида кўп хорижлик олимлар иштирокида тўртинчи Евроосиё респиратор жамияти Конгресси ва бешинчи Марказий Осиё пульмонологлар Ассоциацияси конгресси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Украина, Германия ва Финландия давлатларидан 1200 дан ортиқ соҳа мутахас-

етишимда менга биринчи устозлик қилган отам эдилар”.

Россия тиббиёт фанлари академиясининг академиги тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик Саиджалол Бахрамов энг яқин дўсти академик Абдулла Убайдуллаевнинг фаолиятига қуйидагича таъриф беради:

Абдулла ака билан биз, шифокорлик бурчларини ўтаб юрган чоғларида – беморлар масаласида ўтказилган консилиумларда учрашиб танишганман. Ўшандаёқ, у кишининг саводли интернист эканлигига,



2004 йил Боку шаҳрида Озарбайжон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, профессор А. Исанов академик А. Убайдуллаевга "Фтизиатрия ва ўпка касалликлари" 2-куррултойида Фахрий ёрлик топширмада.



Академиклар Ё. Тўрақулов А. Убайдуллаевлар "Туркистон" санъат саройи олдидан.



Академик А. Убайдуллаев академик Ш. Алимов номидаги Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари билан учрашувда(2010 йил).

сислари иштирок этди.

Биз устозимиз Абдулла Мухаррамовичнинг йиллар давомида халқимиз саломатлиги йўлида олиб борган фаолиятларига тўхталмас десак, унга нукта қўйишимиз қийин чунки бугунги мақоламиз қахрамонининг ҳаёт ва фаолият йўлларидаги портретларига бўлган чизгилар бу албатта, денгиздан бир томчидир холос.

Келинг, яхшиси академик Абдулла Мухаррамовичнинг яқин инсон ва дўстларининг фикрларига эътибор қаратишни жонз деб билдик.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, марҳум Шаботхўжаев ўз дил битикларида шундай деган эди:

“–Мен фан оламининг вакили мурабий сифатида фан оламида Абдулла Убайдуллаевнинг нафақат мамлакатимиз балки Европа олимларининг ҳам тан олганлигини эсламан. Унинг дастлабки муваффақият погоналарига кўтарилиши ва улкан ютуқларига эришиши заминидан яхши устоз ва мурабийлар қўлида таҳсил олгани ётади. Абдулла Мухаррамович том маънода мактаб кўрган олим. Улардан “Устозларингиз ким бўлган?”, деб сўраганимда берган жавоби хали ҳамон хотирамда. “Инсон бўлиб шаклланишимда, ўқишга меҳр қўйиб, саводли киши бўлиб

илмий асосда мулоҳаза юритишларига гувоҳ бўлганман. Вактлар ўтиб, академик Абдулла Убайдуллаев билан давлат ишлар, соғлиқни сақлаш ривожини таъминлаш бобида ҳам ҳамкорлик қилиш насиб этди. Одам боласи дунёга ҳайқариб кириб келади, дейишади. Бу биринчи нафас олиш жараёнидир. Ана шу лаҳзадан бошлаб олинган нафас ҳаёт, тириклик дегани. Абдулла ака Убайдуллаев ўз маҳорати ва улкан хизматларини нафас олиш органларини тадқиқ этувчи пульмонология соҳасига, Ўзбекистонда пульмонология илми ва амалиётининг ривож топишига бахш этиб, ҳозирги кунда ҳам ана шу фаолиятини фаол давом эттирмакда.

Ўзбекистон Қахрамони севимли шоиримиз марҳум Эркин Воҳидов академик Абдулла Мухаррамовичнинг ҳаёт ва жамиятда тутган ўринлари тўғрисида қуйидаги илиқ фикрларини оқ қоғозга туширган эдилар:

–Ҳар бир давр ва авлоднинг истеъдодли, ёрқин сиймолари бўладими, улар ўз меҳнати, фидокорлиги, садоқати билан халқ ва давлат манфаатлари учун хизмат қилишади. Шундайин илмига амал қилган олим, мўътабар инсонлардан бири – Абдулла Мухаррамович Убайдуллаевдир. У кишининг сиймоси ҳақида ёзмоқчи бўлиб, қўлимга қалам олдим-у, олим хусусида қайси тафсилотни

таҳлиллари, истеъдоднинг ёрқин ва айниқса, ўпка-нафас йўли касалликларида чуқур билим соҳиби эканлиги дунё олимларини мамлакатимиз шифокору-олимлари томонидан эътироф этилган.

Ўзбекистон Халқ артисти марҳум Турғун Азизовнинг академик Абдулла Мухаррамовичга билдирган эхтиромни:

–Абдулла акам – бахтли инсон. У кишининг бахти, омади шундаки, худойим уларга ақли, доно ва гўзал умр йўлдошини рўбарў қилган. Абдулла ака ўз жуфти ҳалоли Раъно опа билан биргаликда икки ўғилни тарбиялаб вояга етказдилар.



Академик А. Убайдуллаев Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси директори муовини Лола Эргашева билан.

ёритиш, нима деб ёзишни билмай қолдим. Чунки Абдулла Мухаррамовичдек табаррук инсоннинг фазилатлари, инсонийлиги, олижаноблиги, одоб-ахлоқда комиллиги ва бошқа ижобий хислатлари бепоён уммон каби, уни таърифлаш учун менинг илмим ҳам билимим ҳам ожизлик қилади. Фидойи олим, фельдшерликдан академикликгача бўлган машаққатли масофани мардонатор босиб ўтди. Чексиз коинотда вақт ўлчами шиддат-да ўтгани сингари, йиллар кўз очиб юмгунча ўтишга улгурди. Абдулла Убайдуллаев академиклик унвонига аллақачон эришган ва унга муносиблигини амалда исботлаб келмакда. Абдулла Мухаррамович ўзининг шифокорлик фаолиятидаги нозик

Фарзандларининг иккаласи ҳам ватанимиз равнақи йўлида фойдали касб эгалари бўлиб етишган. Хайруллохон нефть ва газ бўйича мутахассис. Саъдуллахон эса ота изидан бориб, тиббиёт фанлари доктори даражасига эришган. Унинг умр йўлдоши Камолахон ҳам шифокор, олима, тиббиёт фанлари

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, устозимиз, академик Абдулла Убайдуллаевнинг яқинда "Ўтган кунларни эслаб..." номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу китобдан ўрин олган устознинг ҳаёти ва фаолиятидаги реал воқеалар мажмуасини ўқиб, бежизга мақолам маззусини "Тиббиётга бахшида умр: Олтин саҳифаларга ёзилган лаҳзалар" деб атамадим... Суҳбатимиз сўнггида устоз: "Бугун табаррук ёшим арафасида шифокорлик касбини танлаб, адашмаганимдан ва у мени улугълаганидан фахрланаман, –дея фикрларини мухтасар қилдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, таниқли олим, академик Абдулла Убайдуллаевнинг табаррук 90 ёшлари билан самимий муборакбод этамиз.

**Ибодат СОАТОВА,
журналист.**

ОИЛАЛАРГА ДОИМИЙ БАХТ УЛАШГАН АЁЛ

Шифокорга мурожаат қилиш бобида нозик хилқат вакиллари бир қадар тортинчоқдирлар. Улар ҳар доим ҳам ўзларини безовта қилаётган муаммолар ҳақида ўзгаларга шикоят қилишга рағбат билдиравермайдилар. Врач қабулига борган тақдирда ҳам юракларини очишга қийналадилар. Аллақандай ички ҳадик ва ҳаловатсизлик улар томонидан ташланадиган қадамга тушов бўлиши бор гап. Мана шундай вазиятда тиббиёт ходимининг нафақат касбий маҳорати, балки беморининг кўнглига йўл тона олишдек инсоний фазилати жуда ҳам қўл келади. Оқ халат кийганлар орасида Нодира Фазлиддиновна мана шундай хислати билан ажралиб туради.



маслаҳат ва ёрдамларини бериб келишган.

Унинг муваффақиятининг асосий омили шундаки, соҳага ўздан бир кун бўлса-да олдин келган ҳамкасбларини ҳам устоз мақомида кўрди. Улардан ҳам соҳага доир нимадир ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Устозлардан касбий билимлардан ташқари масъулиятни, камтарликни, меҳрибонликни, тўғрисиқликни, меҳнатсеварликни, касбга садоқатни ўрганди. Кафедрада икки йиллик клиник ординатуриани ўтагач, “Аёллар маслаҳат-хонаси”да акушер-гинеколог сифатида фаолият юритди. Кейинрок тиббиёт коллежи Акушерлик ва гинекология кафедрасида ўқитувчилик қилди. Она ва бола скрининг маркази фаолиятини бошлаган илк даврларда акушер-гинеколог бўлиб ишлади. Шу даврда ультратовуш диагностикаси мутахассисига эҳтиёж мавжудлиги сабабли у иккинчи мутахассислик бўйича малака ошириб, УЗД текшируви йўналишида фаолият кўрсатди. 2009 йилда вилоят аҳоли репродуктив саломатлик марказига раҳбар этиб тайинланди. Бу ердаги ўн уч йиллик фаолияти давомида у марказ фаолиятини ривожлантириш, янги, инновацион репродуктив технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, ҳудудий вертикал тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аҳоли тиббий маданиятини ошириш, тизимда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни интеграциялашган ҳолда бартараф этиш каби ишларни ташкил этди. 2022 йилдан бошлаб Бухоро давлат тиббиёт институтининг Акушерлик ва гинекология кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб келмоқда. “Қизлар саломатлиги, улардаги муаммолар, уларни эрта аниқлаш ва баҳолаш” мавзусига бағишланган илмий ишини 2019 йилда бошлади. Бу борадаги тадқиқотларини жорий йилнинг январидан муваффақиятли химоя қилди. 2018 йилда Бухоро вилоят Репродуктологлар ассоциациясини ташкил этди ва аҳоли соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш мақсадида тиббиёт амалиёти ва илмий ривожланишга кўмаклашиш, аҳолига

репродуктологик тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, вилоят репродуктологлари малакасини ошириш, илмий кадрларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиш каби бир қатор вазифаларни белгилади. Ассоциация томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг бир қатор грант лойиҳалари устида иш олиб борилди. Лойиҳаларда вилоятнинг экологик шароити оғир туманларида қизларнинг репродуктив саломатлигида аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари устуворлик касб этди.

–Қизлар оналикка тайёр бўлиши учун бунга болаликдан ҳозирлик кўриш керак. Амалитчи шифокор бўлганлигим боис тарғибот тадбирларида кўпроқ ёшлар орасида бўламан. Тадбирдан сўнг менга кўнгирак қилаётган ёки қабулимга келаётган қизлар билан суҳбатлашиб, улар орасида кўплаб муаммолар борлигига амин бўлаяпман. Балоғат ёшига етганига қарамасдан қизларда ҳайз циклининг тикланмаганлиги, жинсий ривожланишда тенгдошларидан орда қолаётганлиги, яллиғланиш, киста ва ўсма касалликларининг кўплиги, буларнинг ҳаммаси келажакда уларнинг соғлом она бўлиш имкониятларини чеклаши, табиийки, мени ташвишга солади, – дейди **Нодира Холова**.

Бундай хавотирли ҳолатлар ўғил болаларда ҳам мавжудлиги поликлиникалар томонидан ўтказилаётган тиббий кўриқларда кўзга ташланмоқда. Крипторхизм, варикоцеле, яллиғланиш касалликларининг кўплиги, бу касалликларнинг вақтида аниқланмаслиги ва даволанишнинг кечиктирилиши пайти келиб бепуштликка сабаб бўлиши-

Нодира Фазлиддиновна фаолияти давомида қанчадан-қанча аёлларга оналик бахтини ҳис этиш сурурини бера олди. “Шу қизим сизнинг сабъ-ҳаракатларингиз меваси. Энди унинг ўзига она бўлиш саодатини бердингиз. Умрингиздан барака топинг”, дегувчилар жуда кўп. Шифокор бир пайтлар ўзи даволаган аёлларнинг қизларига ҳам оналик бахти насиб этишига сабабчи бўлаётганидан мамнун. Ундан шифо топиб кетаётганларни кўрганида ўзи ҳам она бўлгандек қувонади, жамиятга нафи тегаётганидан кўнглида қониқиш ҳис қилади. Зеро, у ота ва онаси орзусини ушалтира олгани учун ҳам саодатлидир.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ.



ни ўрганган мутахассис ёшлар келажакдаги учун қаттиқ кайғуради. Тарғибот тадбирларида ёшларни ва уларнинг яқинларини бу борада эътиборли бўлишга чақириб келади. Аксарият муаммоларни жинсий тарбиянинг сустлиги, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, туғруқлар орасидаги интервалларга риоя қилмаслик, ўсмир қизлар гинекологига ҳамда ўғил болалар билан ишлайдиган уролог мутахассисларнинг камлигида кўриш мумкин. Шифокорнинг ҳавас қилса арзигулик оиласи бор. Турмуш ўртоғи Асилбек Болтаев ҳарбий соҳада ишлаган. Уларнинг икки нафар фарзанди бор. Тўнғич фарзанд Амирбек Бухоро давлат университетининг хорижий тиллар факультетида, иккинчи ўғил Асадбек эса Москва молия универтитетида таҳсил олмоқда. Гарчи ўғиллардан ҳеч бири унинг касбини танламаган бўлса-да, она бундан ранжидмайди. Келгусида келинлари ва неваралари шифокор бўлишса, бундан фақат хурсанд бўлишини таъкидлайди.

Нодира Холова 1974 йилда Вобкент туманида туғилган. Отаси қатор ташкилотларда ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган, онаси эса тўрт ўғил-қизнинг тарбияси билан машғул бўлган. Тўнғич фарзанд Нодира катталарнинг йўриғи билан шифокорликни танлаган, ўзи эса дастлаб отасига ҳавас қилиб юридик соҳанинг этагини тутмоқчи эди. 1991 йилда Бухоро тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди ва таҳсилни 1997 йилда тамомлади. Мастура Негматуллаева ўша кезларда вилоятдаги акушерлик ва гинекология соҳасидаги илк профессор аёллардан эди. У шаҳар туғруқхонасида шу номдаги кафедранинг бошқарган, бир қатор илмий ишларга қўл урган ва кўплаб шогирдлар етиштирган. Устоз-шогирд аънанасини яхши билган отаси Фазлиддин ака қизини Мастура Нуриллаевнага топшириб,

“Эти сиздан, суяги биздан, домлажон, қизим сиз каби етук олима бўлиб етишишини истайман”, деганди. Устози этагидан тутиб, ундан соҳанинг барча сир-асрорларини ўрганди. Бу борадаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда устозлар – Шаҳоб Исомиддинов, Мансур Курбоннов, Райхон Пўлатова, Мавжуда Мирходжаева, Дилбар Тўқсанова, Ҳалима Ҳамдамваларнинг ҳиссалари катта бўлди. Қайнонаси Муҳаббат Насриддинова акушер-гинеколог бўлганлиги мазкур йўналишдаги кўникмалар пойдеворининг мустаҳкам бўлишини таъминлаган, десак муболаға бўлмайди. Қайнотаси Ато Болтаев ҳам физиолог олим эди, у бош мияда кетма-кет кўзгаллиш ва тормозланиш жараёнларининг электроцефалография ўзгаришларини ўрганган. Қайнота ва қайнона ҳар жиҳатдан келинларини қўллаб-қувватлаб,

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ЖАМҒАРМАСИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЖАМҒАРМАГА МИННАТДОРЛИК МАКТУБЛАРИ

Тизамдаги оғриқдан даволанишларим нафи узокқа бормади. Ниҳоят вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига мурожаат қилдим. Оёғимда 3-4-даражали гонатороз касаллиги мавжудлиги, тизза бўғимида тотал эндопротезлаш амалиёти қўллаш зарурлиги маълум бўлди. Бу катта маблағ талаб этадиган муолажа менга насиб этмас экан-да, дея ташвишга тушиб турсам, Давлат тиббиёт суғурта жамғармаси беминнат кўмакка келди. Жамғарма ёрдами билан эндопротезлаш амалга оширилди. Саломатлигим тикланди, фарзандларимни оқ ювиб-оқ тарашдек бурчимни

адо этиш бахтини қайтариб бердилар. Давлат тиббиёт суғурта жамғармасининг хайрли ишлари бардавом бўлсин!

**Муқаддас МАМАСОДИҚОВА,
Янгиқўрғон тумани.**

Икки томонлама бирламчи коксартроз касалига йўлиқдим. Аввалига писанд қилмадим. Қарасам, тўшакка миҳлаб қўядигандек. Шифокорлар тезда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига учрашишимни тайинлашди. Мутахассислар обдон ўрганиб, мураккаб операция йўли билан соғайтиришлари мумкинли-

гини айтишди. Операция учун маблағни тиббиёт суғуртадан қопланишини маълум қилдилар. Биз оддий одамлар учун шундай ғамхўрликлар қилаётган Президентимиздан, Давлат тиббиёт суғурта жамғармаси ва шифокорлардан беҳад миннатдорман. Шу имконият бўлмаганда даволанишни орзу қилиб ўтардим.

**Авазбек КАРИМОВ,
Наманган шаҳри.**

Юрак хасталигига шифо излаб Наманган кardiология марказига келдим. Хушфезъл, меҳрибон шифокор-

лар стационар даволанишим шартлигини айтишди. Юкори технологик усулда муолажалар қилиниши, бунинг харажатлари Давлат тиббиёт суғурта жамғармаси билан тузилган шартномага асосан бепул амалга оширишларини маълум қилдилар. Ноёб оператив даво энг замонавий тиббий қурилма ва асбоб-анжомлар ёрдамида амалга оширилди. Дарддан фориг этган Давлат тиббиёт суғурта жамғармаси ва кardiология маркази мутахассисларига чин дилдан раҳматлар айтаман.

**Муножот ОТАБОЕВА,
Норин тумани.**

ПОДСЧИТАНО ОПТИМАЛЬНОЕ ЧИСЛО ШАГОВ В ДЕНЬ ПРИ СИДЯЧЕМ ОБРАЗЕ ЖИЗНИ

Всего 9-10 тысяч шагов в день могут противодействовать рискам для здоровья, связанным с продолжительным сидячим образом жизни. Об этом сообщается в исследовании, проведенном научными сотрудниками Центра Чарльза Перкинса при Сиднейском университете (Австралия).

Краткий отчет об исследовании опубликован на сайте университета, а с его полной версией можно ознакомиться в журнале British Journal of Sports Medicine. Исследование охватило более 72 тысяч человек. Оно показало, что каждый дополнительный шаг вплоть до достижения отметки в 9-10 тысяч шагов в день снижает риск смерти на 39 процентов и риск возникновения сердечно-сосудистых заболеваний на 21 процент. Причем происходит это независимо от того, сколько времени человек провел в сидячем положении.

Предыдущие исследования также указывали на связь между количеством шагов в день и уровнем смертности и сердечно-сосудистых заболеваний. Однако, как пишут авторы работы, их исследование стало первым, когда все расчеты были произведены не на основании теоретических предположений, а на базе практических данных, полученных в ходе наблюдения за участниками

масштабного эксперимента.

Участники носили на запястье специальные приборы – акселерометры – в течение семи дней для измерения их физической активности. Данные акселерометра использовались для оценки ежедневного количества шагов и времени, проведенного в сидячем положении, в том числе лежа во время бодрствования. Средний возраст участников исследования составил 61 год. Группа ученых следила за состоянием их здоровья, отслеживала данные о госпитализациях и случаях смерти.

Выяснилось, что участники исследования в среднем совершают 6222 шага в день. В качестве маркера ученые взяли группу тех людей, которые совершали всего по 2200 шагов в день. Они были взяты в качестве образцов для сравнения и оценки влияния увеличения количества шагов на смертность и сердечно-сосудистые события.

Среднее время, проведенное в си-

дячем положении, составило 10,6 часа в день. Поэтому участников исследования, проводивших в сидячем положении более 10,5 часа в день, квалифицировали как людей с высокой продолжительностью сидячего образа жизни. Соответственно, ниже этой отметки оказались люди с низкой продолжительностью сидячего образа жизни. Проведенные измерения позволили объективно измерить, могут ли и как именно "ежедневные шаги" компенсировать риски для здоровья, связанные с сидячим образом жизни.

"Любое количество ежедневных шагов, превышающее референтные 2200 шагов в день, было связано с более низкой смертностью и риском возникновения сердечно-сосудистых заболеваний как при низкой, так и при высокой продолжительности сидячего образа жизни, - резюмируют исследователи. - Увеличение количества шагов до 9-10 тысяч в день оптимально снижает риск смертности и сердечно-сосудистых заболеваний среди участников, ведущих малоподвижный образ жизни".

Однако они подчеркивают, что это было наблюдательное исследование, которое не может установить прямую причину и следствие. Возможно, имеются и другие, не измеренные в его рам-



ках факторы, которые могут влиять на указанные риски.

"Наши результаты ни в коем случае не являются гарантией выхода из положения для людей, ведущих малоподвижный образ жизни в течение длительного периода времени, - подчеркивает ведущий автор работы, доктор Мэтью Ахмади. - Однако наша работа содержит важную информацию для общественного здравоохранения о том, что любое движение имеет значение и что люди могут и должны попытаться компенсировать последствия для здоровья, неизбежные при сидячем образе жизни, увеличивая количество ежедневных шагов".

Денис ПЕРЕДЕЛЬСКИЙ.

ПРИВЫЧКИ, ПРИВОДЯЩИЕ К ДЕМЕНЦИИ

Врач Саадулаева: социальная изоляция может способствовать развитию деменции

Деменция – это состояние, которое сопровождается ухудшением памяти, мышления, ориентировки и способности к самообслуживанию. Это заболевание является одним из самых распространенных психических нарушений у пожилых людей. О том, какие привычки увеличивают риск развития деменции, – рассказала врач-психотерапевт Хаджат Саадулаева.

По словам врача, согласно недавнему исследованию, которое провели ученые Кембриджского университета, существует ряд привычек, которые могут приводить к увеличению риска развития деменции. Медики призывают обратить внимание на эти факторы и избегать их, чтобы сохранить здоровье мозга и предотвратить развитие патологии, поделилась психотерапевт.

«Одной из наиболее опасных привычек, по мнению специалистов, является недостаток физической активности. Регулярные занятия спортом способствуют улуч-



шению кровообращения, питанию мозга кислородом и питательными веществами, что помогает предотвратить деменцию. Также важно следить за питанием, включая в рацион больше фруктов, овощей и здоровых жиров», – рассказала Саадулаева.

Стресс и депрессия также могут сказаться на работе мозга, поэтому важно научиться справляться с негативными эмоциями и находить способы расслабления и отдыха. Кроме того, к ухудшению памяти и когнитивных функций может привести недостаток сна, предупредила специалист.

«Вредные привычки, такие как курение и употребление алкоголя, также оказывают негативное воз-

действие на мозг и могут способствовать развитию деменции. Поэтому важно отказаться от них или минимизировать их воздействие», - подчеркнула психотерапевт.

Также, по ее словам, было выявлено, что социальная изоляция и недостаток умственной активности также могут способствовать развитию этого заболевания.

«Врачи считают, что каждый человек может влиять на свое здоровье и профилактику деменции, следуя рекомендациям по здоровому образу жизни. Помните, что забота о своем мозге – это забота о своем будущем», – резюмировала Саадулаева.

Евгений
ОДИНЦОВ.

ОПЕРИРОВАТЬ ГРЫЖИ С МЕНЬШИМИ РИСКАМИ

В Омском клиническом медико-хирургическом центре специалисты осваивают новую методику – эндоскопическую тотальную экстраперитонеальную пластику, которая используется для оперирования различных грыж.

Врач хирургического отделения №2 КМХЦ Евгений Барков побывал на недавно на мастер-классе в Москве, посвященном методу эндоскопической тотальной экстраперитонеальной пластики. Эта новая методика используется для оперирования пупочных, паховых и других грыж, и активно используется в ведущих клиниках нашей страны. Считается, что она менее травматичная, эффективная и технически удобна как для хирурга, так и пациента.

От привычных методов она отличается тем, что при удалении грыжи хирурги не заходят в брюшную полость, а аккуратно разделяют брюшную стенку на слои и удаляют грыжу. В результате значительно снижаются послеоперационные риски, образуется меньше спаек в органах брюшной полости, пациент быстрее возвращается к привычной жизни.

– Этот метод – один из тех, которыми мы теперь будем активно пользоваться, – рассказал



Евгений Барков. – Он хорош, например, когда у пациента уже было большое количество операций на животе. Но не нужно забывать, что каждый случай по своему уникален, и метод операции выбирается хирургом, исходя из конкретного случая и конкретного пациента.

По данным областного Минздрава, паховые грыжи относятся к самым распространенным грыжам живота. На их долю приходится около 70-80% от всех грыж брюшной стенки.

Татьяна
БЕРЕЗОВСКАЯ.

“БУ ЕРГА КЕЛИБ УЙ-ЖОЙЛИ ВА АВТОМАШИНАЛИ БЎЛДИМ”

Табиати бетакрор, ўзига хос иқлимга эга бўлган эксклав ҳудуд — Сўх туманини уч томондан пурвиқор тоғлар ўраб туради. 84 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган туманда айни пайтда 1 та марказий шифохона, 2 та оилавий поликлиника, 9 та оилавий шифокор пункти ҳамда 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника фаолият юритмоқда.

Очиги, яқин йилларгача сўхликлар учун сифатли тиббий хизмат олиш азалий ва ушалмас орзу эди. Аммо бугун туман тиббиётида кечаётган ўзгаришлар тамомила ўзгача. Айниқса, кейинги 3-4 йилда бирламчи тизимдаги янгилашлар тоғликлар ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб юборди.



“МАНЗИЛГА ЕТИБ БОРОЛМАЙ, 1-2 ТА БОЛА МАШИНАМДА ТУГИЛГАН”

– Олдин поликлиникамизда битта дўхтир, битта фаррош ишларди, – дейди сўхлик **Иброҳим ота Салаев**. – Кечаси кимдир касал бўлса, марказга борардик. У пайтлари “Жигули” автомашинам бўларди. Беморнинг яқини шофёр бўлса, калитини берардим. Қанчасини ўзим ҳам олиб борганман. Ҳатто манзилга етолмай, 1-2 та бола машинамда ҳам туғилган. Чунки ҳозиргидек шароитлар йўқ эди-да.

Президентнинг 2022 йил 25 апрелдаги тегишли қарори асосида янгиланган “Қишлоқ ши-

фокори” дастури қабул қилинди. Унга кўра, Сўх каби олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар маошига кўшимча 2 миллион сўм миқдоридан ҳар ойлик устама тўлаш белгиланди.


Шунингдек, уларга ўзи ишлаётган ҳудуддан ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой кийматининг 50 фоизигача қисми маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши кўзда тутилган. Қолаверса, 2 йил узлуксиз ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилинади. Даромад солиғи айнан Сўх туманида ишлаганлар учун 1 фоизни ташкил этади.

“АВТОМАШИНАЛИ БЎЛДИМ, ЭНДИ УЙГА НАВБАТ”

Бундай имкониятлар туфайли бугун 40 нафарга яқин шифокор юртимизнинг бошқа ҳудудларидан мазкур туманга келиб фаолият юритмоқда. Улардан бири асли самарқандлик бўлган “Демурсад” оилавий шифокор пункти раҳбари Фотима Хўжановадир.

– Бундай гўзал гўшада ишлашнинг завқи бор, – дейди у. – Бироқ бошида менда бироз иккиланиш бўлди. Қандай бўларкин, бу ернинг шароитига, одамларига кўникиб кета олармикинман деб. Аммо биринчи кунимдан сўхликлар мени очик чеҳра билан кутиб олди.

Уч йил аввал бир марталик 30 миллион сўм пул маблағи олдим. Ҳозир 1,5 ставкада ишляпман. Яқинда автомашинали бўлдим. Энди уй олиш ҳаракатидамиз.



да муолажа ҳамшираси бўлиб ишлаган. Ҳозир бола парваршида.

Бизга берилган маблағлар эвазига оиламизнинг моддий ҳолати анча яхшиланди. “Қишлоқ шифокори” дастури асосида бир марталик 30 миллион сўм пул олдик. Ҳозир ҳар ой маошимга кўшимча устама оляпман. Даромад солиғимиз атиги 1 фоизни ташкил қилади. Ҳали узоқ йиллар Сўх халқига чин дилдан хизмат қилиш ниятидаман.

“1000 ДОЛЛАРДАН ЗИЁД МАОШ ОЛЯПМАН”

Ушбу туманга келиб ишлаётган тиббиёт ходимларидан яна бири Муҳаммаджон Ҳамидов. У ҳам чегара ҳудудида шифокор сифатида фаолият юритяпти. Қаҳрамонимиз бугун аҳоли хонадонларигача кириб, беморлардан ўз тавсияларини аямайди.

– Сўхда беш йил ишлаб, уй-жойли, автомашинали бўлдим, – дейди шифокор. – Турмуш ўртоғим ҳам мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият юритяпти. Ҳозир устамалар билан кўшиб ҳисоблаганда 1000 доллардан зиёд маош оляпман. Энг асосийси, оилам ёнимда. Бу ерга келиш қароримдан хурсандман.

@ssvuz



СЎХДА ИШЛАЁТГАН ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

Зухриддин Ботиралиев ва Дилшода Ботиралиева – тиббиётчилар оиласи. Кува туманидан бўлган бу қаҳрамонларимиз бугун бу ерда истиқомат қилиб, оилавий фаолият юритмоқда. Оила бошлиғини сўхликлар кўли енгил шифокор, турмуш ўртоғини меҳрибон

ҳамшира сифатида яхши кўришади.

– Тоғликлар содда, меҳрибон. Кези келса, талабчанлиги ҳам бор, – дейди **З. Ботиралиев**. – 5 йилдан буён турмуш ўртоғим билан шу ерда ишляпмиз. Тўғриси, ўзим ҳам сўхлик бўлиб кетдим. Айни пайтда “Мулгон” оилавий шифокор пункти раҳбариман. Турмуш ўртоғим эса туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси-

ФВВ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ

Малумки, халқ хўжалиги ривожига газ ёқилгиси муҳимдир. Шу боис, газ ёқилгисидан хавфсизлик қоидалари асосида фойдаланишга эътиборни кучайтириш ҳар биримиздан масъулята давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бепарволик кўнгилсиз ҳолатларга олиб келишини ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Оддий қоидаларга риоя қилмаслик бу тинчлик-осойишталик,

кут-барака, энг кадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолишга сабаб бўлиши табиий.

Қиш фасли чиққан бўлсада, хавонинг совуви туриши ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, барчамиз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларни нотўғри ишлатган ҳолда хонадонни қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар ҳам йўқ эмас. Фуқароларимиз ёнгин хавфсизлик қоидаларини билсаларда,

унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз ҳар биримиз учун ўта муҳим масъулят деб биламан.

Баҳодир ҲИКМАТОВ,
“Қорасув” қароргоҳи
Давлат Резиденцияси
ЙХТТЭБ кичик инспектори,
катта сержант.

Ўзбекистон Ҳамширалар
Ассоциацияси жамоаси
Хоразм вилоят бўлинмаси
раиси

Шукурова Зоя
ХОДЖИНАЗАРОВНАнинг
вафоти муносабати билан
унинг оила аъзолари ва яқин-
ларига чуқур ҳамдардлик бил-
диради.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 725 дона.
Буюртма рақами Г-338.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.